*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 33 (7. 122) ◉ 1990 йил 9 февраль, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

## ТАРҒИБОТЧИЛАР — ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИГА

Ўзбекистон пойтахтининг Октябрь райони партия комитети ҳузуридаги сайловчилар клубида «Қайта қуриш ва мафкуравий иш» мавзусида амалий ўйин ўтказилди. Бу ўйинни Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти тарғиботчилари республика халқ депутатлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ва район ёш сайловчилари клуби аъзолари учун ташкил этдилар.

— Амалий ўйинлардан асосий мақсад номзодларнинг сайлов олди режаларини пишиқлаштириш, уларни сайловчилар билан бўладиган учрашувларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир, — дейди ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистон психологлар жамиятининг вице-президенти, шу учрашувларни олиб борган А. А. Файзуллаев. — Биз шунингдек номзодларни рақиблари билан мулоқот олиб боришга, ўз йўлини ҳимоя қилишга, муаммоларни бартараф этишнинг аниқ-равшан йўлларини таклиф қилишга ҳам ўргатмоқдамиз.

Тошкент шаҳрининг бошқа районларида ҳам Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар учун «амалий ўйинлар» ўтказилади.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февралдаги қарори*

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама ва пленум қатнашчиларининг айтган мулоҳазалари ҳисобга олиниб, маъқулласин.

2. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси партия ташкилотларида, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртасида муфассал муҳокама этиш учун эълон қилинсин.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февралдаги қарори*

## Литва Компартияси XX съездининг қарорлари тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Литва Компартияси XX съезди қабул қилган қарорларни унинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ташкилий-сиёсий алоқани узиши, деб ҳисоблайди.


Пленум бундай хатти-ҳаракатларни қоралайди, чунки улар КПССнинг бирлигини бузади ва совет федерациясини янгилаш жараёнларига, умуман жамиятга катта зиён етказади.

2. Пленум Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетини тузган, байналмилалчилик қоидаларига содиқ бўлиб қолган, кўп миллатли иттифоқимизнинг барча халқларини жипслаштирувчи КПССни демократиялаш ва янгилаш шароитида революцион ўзгаришларни амалга ошириш учун курашаётган литвалик коммунистларни қўллаб-қувватлайди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ЛКПнинг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитети амалий фаолиятида унга зарур бўлган ҳамма ёрдамни беришни ва бунинг учун тегишли моддий ҳамда молиявий шароитларни яратишни топширади.

3. Пленум мустақил Литва Компартиясига кирган литвалик ўртоқларни Литва Компартияси XX съездининг КПСС Программаси ва Устави амал қилишига тааллуқли қарорларини КПСС XXVIII съездигача тўхтатиб туришга ва шу асосда КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси билан биргаликда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашга чақиради.

Пленум Литва коммунистларига мурожаат этиб, КПСС Марказий Комитетининг съездолди ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилишга киришишга, Литва халқининг, бутун кўп миллатли давлатимизнинг тақдири учун, революцион қайта қуришнинг тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англаб олишга даъват этади.



⊙ ТЎҚИМАЧИЛАР ҲУЗУРИДА. Тошкент тўқимачилик комбинати ип йигирув фабрикасининг моҳир созловчиси Н. Н. Баракин; фабриканинг тайёр маҳсулотлари; меҳнат ветерани, ёшларнинг устози Л. Т. Красношчекова.

Р. Шарипов суратлари.

Партия турмуши ва қайта қуриш

## ЭЪТИҚОД СИНОВИ

**⊙ Бугунги кунда жамиятдаги ғоявий, сиёсий кураш кескин тус олди. Бу эса жойларда коммунистлардан барча куч, билим ва тажрибани сафарбар этишни, етти ўлчаб бир кесишни, ўта ақл-идрок ва босиқлик билан иш юритишни, байналмилалчилик тушунчасини янги мазмун билан бойитишни тақозо этмоқда. Партия аъзосига хос бўлган характер, ҳар бир коммунистнинг партияга бўлган эътиқоди синовдан ўтмоқда. Мухбиримизнинг шаҳримиздаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари Ғ. О. Обидов билан бўлган суҳбати ҳам ана шу мазмунда бўлди.**

**— Ғайрат Олимович, қайта қуриш ҳаммамиздан ўз ишимизни қайта қуришни, энг аввало киши буни ўзидан бошлашни талаб этмоқда. Шу боис корхонада меҳнаткашларнинг сиёсий онгини ошириш борасида нима ишлар қилияпти?**

— Корхонамизда айни пайтда 2150 киши меҳнат қиляпти. Шундан 270 нафари КПСС аъзоларидир. Ўтган йили яна ўн бир кишини янгича усул билан партияга номзодликка қабул қилдик. Улар турли миллат вакилларидан иборат. Бу билан нима демоқчиман, биринчидан коммунистларимиз сафи ёш, иқтидорли ва эътиқодли кишилар билан тўлиб боряпти. Иккинчидан, партиямиз ўзининг қарийб юз йиллик тарихи мобайнида байналмилалчилик принципига амал қилиб келган ва шундай бўлиб қолади. Биз ҳам биринчи навбатда партия сафларини жипслаштиришга, кишиларнинг ҳамжиҳат ва аҳил бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимизнинг сиёсий онгимизни оширишимиз керак.

**— Бу масалага қандай эътибор бериляпти? Партия сиёсий ўқуви қай даражада йўлга қўйилган?**

— Илгарилари коммунистлар билан олиб борилган, номигагина ўтказиладиган партия ўқувлари, лекциялар, суҳбатлар кутилган натижаларни бермади. Шу сабабли бу борадаги ишимизни қайта кўриб чиқдик. Октябрь район партия комитети, республика «Билим» жамияти ва партия комитетимиз ташаббуси билан бирлашмамиз қошида «Мулоқот» клуби очилди. Клуб аъзолари кишиларимизнинг сиёсий онгини оширишда тарғибот ва ташвиқот ишларининг энг қизиқарли усулларидан фойдаланяптилар. Шу билан бирга коллективнинг талаб ва эҳтиёжларини, дунёқарашларини ўрганиб, назорат қилиб борадилар. Белгиланган маърузачилар аввал корхонага келиб, ишчилар билан учрашадилар, сўнгра уларнинг қизиқиши ва қарашларига қараб мавзу танлайди, шу асосда суҳбатлар уюштирадилар.

**— Асосан қайси мавзуларда суҳбатлар бўлиб ўтяпти?**

— Боя айтганимдек, ҳозирги пайтда миллий масала, миллатлараро муносабатлар мураккаблашган бир пайтда лекторларнинг асосий мавзулари байналмилалчилик принципларини кучайтиришга бағишланмоқда. Айни бундай мавзуларда суҳбатлар ўтказишни ишчиларнинг ўзлари талаб этмоқдалар.

**— Сиз юқорида «Мулоқот» клубида ишчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб борилади, деб айтдингиз. Бунда асосан нимани назарда тутяпсиз? Мабодо, инсон омилини кучайтиришни эмасми?..**

— Ҳа, топдингиз. Юқорида айтганимдек, бирлашмамизда 22 миллат вакиллари аҳил ва иноқ ишлаб келмоқдалар. Уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашда коммунистларимизнинг яловбардорлигини, фидойилигини, жонбозлигини таъкидлашни истайман. Чунки улар ҳар бир ишда бош-қош.

Ҳозир партия ташкилотимиз корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш планини жадаллаштириш учун ишчилар ўртасида социологик тадқиқот ўтказмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад — ишчиларни, коммунистларни қизиқтираётган, ўйлантираётган, ташвишлантираётган масалаларни аниқ билиб олиш ва қайси йўналишда иш олиб боришни белгилаб олишдир. Шунингдек, уларнинг эҳтиёж ва талаблари тўғрисидаги масалалар касаба уюшмаси билан биргаликда ҳал қилиб борилади. Уларга зарур қулайликлар ва шарт-шароитлар яратилиб, инсон омилини оширишга эътибор қаратилади.

Суҳбатдош К. СУЛТОНОВА.

## Сайқалчилар ғайрати

**⊙ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ҳамза районидаги Чизелная даҳасида яна бир тўққиз қаватли, 45 оилага мўлжалланган турар-жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармаси монтажчилари, сайқаллаш юмушларини эса 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг бинокорлари бажаришди.**

Мазкур турар-жой биносига жило беришда 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг Ахнаф Бакиров, Людмила Михайличенко етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг муносиб ҳиссалари бор.

**Э. ТЎЛАГАНОВ.**

## Туркум либослар

**⊙ ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги студентлар модалар театри ҳам ўзининг кўплаб мухлисларига эга. Мутахассис-актёрлар томонидан яратилиб, саҳнавий сайқал топган туркум либослар жойларда муваффақиятли намойиш қилинмоқда.**

Жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институтида кўрсатилган либослар коллекциялари бўлажак ўқитувчиларда қизиқиш уйғотди. Бу кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида модалар театрининг Москвада кўрсатган янги либослари намуналари ҳам бор эди.

Гап шундаки, ўтган йили ижодий коллектив она-Ватанимиз пойтахтида уюштирилган «Амалий ҳамкорлик» модалар кўргазмасида фаол қатнашиб, яратган энг яхши ишларини кўрсатган эди. Дид билан тикилган мактаб ўқувчилари формалари ҳам ижобий баҳо олди.

**А. АЛИЕВ.**

Факт ва шарҳ

## Давлат тили партия ишида амалда қўлланилсин

**Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида қабул қилинган Қонун республика партия органларида сўзсиз бажарила бошлади. Бу муҳим ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ходимлари ташаббус кўрсатдилар. Ярим йилдан бери Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатининг ҳужжатлари, ахборот китобчаларн тегишли жойларга икки тилда — ўзбек ва рус тилларида юборилмоқда.**

**Республика партия Марказий Комитетининг икки та залида ўтказиладиган барча кенгаш, мажлис ва фаолларининг йиғилишлари ҳам икки тилда олиб борилмоқда. Шу мақсадда залларга замонавий синхрон аппаратлари ўрнатилган.**

**Ҳозир Ўзбекистон ССР партия органларида мамлакатимиздаги кўпгина миллатларнинг вакиллари ишламоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилини етарли даражада яхши билмасликлари табиий. Шу сабабли улар учун давлат тилини чуқур ўрганадиган дарслар ташкил этилди. Машғулотларда Ўзбекистон Компартияси Марказий аппаратининг ходимлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудири **Қ. Т. ТОИРОВ**дан ушбу хабарни шарҳлаб беришни илтимос қилдик:

— Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунининг кучга кириши биздан, партия ходимларидан ташкилий-амалий фаолиятда ҳам, иш юритишда ҳам мавжуд бўлган структураларни қайта қуриб чиқишни талаб этди. ЎзТАГ мухбирининг хабарида уқтирилганидек, ҳақиқатан ҳам республика Компартияси Марказий Комитетида ўтган йилнинг ўрталаридан бошлаб барча ҳужжатлар икки тилда тайёрланмоқда. Шу мақсадда катта амалий иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислардан иборат таржимонлар гуруҳини ташкил этдик. Уларнинг ҳар бири ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам жуда яхши билади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига жойлардан кўплаб хатлар ва шикоятлар келаётганлиги маълум. Уларнинг кўпчилиги ўзбек тилида ёзилган. Энди барча жавоблар, комиссияларнинг хулосалари, тавсиялар ариза ёзган киши тушунадиган тилда ёзилиб жўнатилмоқда. Бу давлат тилида ҳужжатларнинг бланкаларини ва уларни тегишли буюмларни тайёрлаш ишига ҳам тааллуқлидир.

Қонуннинг сўзсиз бажарилиши техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланишни талаб этади. Бу йил барча область, шаҳар ва район партия комитетлари ўзбекча ёзув машинкалари билан таъминланадилар. Айни вақтда синовдан ўтган ва мутахассисларга ёқиб қолган «Оптима» машинкаларидаги ҳарфлар шуйчаки алмаштирилиб қолмайди. Рязань «Оргтехника» заводида бу машинкаларнинг клавишлар мажмуини қайта жиҳозлашга доир иш олиб борилмоқда. Декабрь ойида партия комитетлари 300 та шундай ёзув машинкаларини оладилар.

Бир вақтнинг ўзида таржима қиладиган аппаратларга келганда, улар ҳозирча фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бор. Ҳозир республикамизнинг барча областларига ана шундай аппаратларни етказиб бериш масаласи ҳал қилинмоқда. Биз Рига кооператив ларидан бирига пишиқпухта ва замонавий ускуналар буюрганимизни айтмоқчиман. Буюртмамиз жуда қисқа муддатда, боз устига давлат нархларидан анча арзон нархда бажарилди.

Ҳозирги пайтда 29 та район партия комитетида ишлар ўзбек тилида олиб бориляпти. Ўтган йили бундай районлар атиги 14 та эди. 115 та шаҳар ва район партия комитетида ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида, 10 та шаҳар ва район партия комитетида қорақалпоқ тилида олиб борилмоқда.

Рақамлардан кўриниб турибдики, республика партия органларида Давлат тили тўғрисидаги Қонун изчил бажарилмоқда. **(ЎзТАГ).**

## ВАЛЮТА ИШЛАБ ТОПИШ ЙЎЛЛАРИ

**Тошкентда ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, иқтисодий ва маданий программаларни амалга оширриш учун валютани жалб этиш мазкур уюшманинг мақсадидир. Бу уюшманн 30 дан кўпроқ корхона, илмий муассаса ва жамоат ташкилоти, кооперативлар, республиканинг ижодий уюшмаларн таъсис этдилар. Улар орасида ташқи иқтисодий алоқалар боғлаш, қўшма корхоналар очишда тажриба орттирган ташкилотлар ҳам, ҳалн бундан бехабар ташкилотлар ҳам бор.**

**— Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишда кучғайратларимизни бирлаштирмоқчимиз, — дейди ЎзТАГ мухбирига , «Стройиммпекс» ташқи савдо фирмасн бош директорининг ўринбосарн Д. Ковалев. Москвада тузилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшманн таъсис этувчилардан бирндир. — Совет корхоналари чет эл корхоналарн билан бевосита алоқа боғлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аммо, эндиликда республика, регнон манфаатларнни кўзлаб шу ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланнш, жаҳон бозорнда мустаҳкам ўрнн эгаллаш керак. Чет эллик шерикдар билан майда-чуйда экспорт-нмпорт операцняларндан анча жнддийроқ савдоиқтисодий муносабатларга ўтнш пайтн келдн. Биз экспорт-нмпорт операцняларнда, чоғроқ қўшма корхоналар бунёд этншда ёрдам бермоқчнмиз, чет эл тўрмзнмнн ривожлантиришда, Тошкентда менежерлар мактабнни очншда кўмаклашмоқчнмиз. Ташқи иқтисодий фаолиятга республиканинг нжодкор знёлларнни жалб этнш уюшманнг ўзнгган ва муваффақнятлн фаолнят кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшманн таъсис этувчилардан бирндир. — Совет корхоналари чет эл корхоналарн билан бевосита алоқа боғлаш ҳуқуқнга эга бўлдилар. Аммо, эндиликда республика, регнон манфаатларнни кўзлаб шу ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланнш, жаҳон бозорнда мустаҳкам ўрнн эгаллаш керак. Чет эллик шерикдар билан майда-чуйда экспорт-нмпорт операцняларндан анча жнддийроқ савдоиқтисодий муносабатларга ўтнш пайтн келдн. Биз экспорт-нмпорт операцняларнда, чоғроқ қўшма корхоналар бунёд этншда ёрдам бермоқчнмиз, чет эл тўрмзнмнн ривожлантиришда, Тошкентда менежерлар мактабнни очншда кўмаклашмоқчнмиз. Ташқи иқтисодий фаолиятга республиканинг нжодкор знёлларнни жалб этнш уюшманнг ўзнгган ва муваффақнятлн фаолнят кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшманн таъсис этувчилардан бирндир. — Совет корхоналари чет эл корхоналарн билан бевосита алоқа боғлаш ҳуқуқнга эга бўлдилар. Аммо, эндиликда республика, регнон манфаатларнни кўзлаб шу ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланнш, жаҳон бозорнда мустаҳкам ўрнн эгаллаш керак. Чет эллик шерикдар билан майда-чуйда экспорт-нмпорт операцняларндан анча жнддийроқ савдоиқтисодий муносабатларга ўтнш пайтн келдн. Биз экспорт-нмпорт операцняларнда, чоғроқ қўшма корхоналар бунёд этншда ёрдам бермоқчнмиз, чет эл тўрмзнмнн ривожлантиришда, Тошкентда менежерлар мактабнни очншда кўмаклашмоқчнмиз. Ташқи иқтисодий фаолиятга республиканинг нжодкор знёлларнни жалб этнш уюшманнг ўзнгган ва муваффақнятлн фаолнят кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшманн таъсис этувчилардан бирндир. — Совет корхоналари чет эл корхоналарн билан бевосита алоқа боғлаш ҳуқуқнга эга бўлдилар. Аммо, эндиликда республика, регнон манфаатларнни кўзлаб шу ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланнш, жаҳон бозорнда мустаҳкам ўрнн эгаллаш керак. Чет эллик шерикдар билан майда-чуйда экспорт-нмпорт операцняларндан анча жнддийроқ савдоиқтисодий муносабатларга ўтнш пайтн келдн. Биз экспорт-нмпорт операцняларнда, чоғроқ қўшма корхоналар бунёд этншда ёрдам бермоқчнмиз, чет эл тўрмзнмнн ривожлантиришда, Тошкентда менежерлар мактабнни очншда кўмаклашмоқчнмиз. Ташқи иқтисодий фаолиятга республиканинг нжодкор знёлларнни жалб этнш уюшманнг ўзнгган ва муваффақнятлн фаолнят кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшманн таъсис этувчилардан бирндир. Рассомлар, ёзувчиларга чет эллярда кўргазмалар, ярмаркалар уюштиришда, биргаликда фнльмлар яратншда, китоблар чнқаришда ёрдам берамнз. Уюшма фаолнятн пировардида республика аҳолисннн иш билан банд қилишга, ишлаб чиқарншнн такомиллаштирншга, халқ истеъмол моллариин ишлаб чиқарншин йўлга қўйишга ёрдам бернш керак.**

**Уюшманн ташкнл этнш чоғндаёқ ташаббускор гуруҳ уюшма фаолнятнинг конкрет йўлларнин белгилаган эдн. Чунончн, Ҳиндистоннинг «Датамейшн» фирмаси билан мева ва сабзаворотнн қайта ишлайдиган кичнкроқ заводлар шоҳобчасини бунёд этнш, меҳмонхоналар, бир марта қўлланиладиган шприцлар заводи қурнш ва уларни ишлатнш тўғрнсида ннят протоколн нмзоландн. Уюшма фаолнятн билан батафсилроқ танншиш мақсадида таъсис йнғилншда Ҳиндистоннинг «Датамейшн» фирмаси ва Покистоннинг «Тобоний» фирмаси вакнлларн нштнрок этдилар. Буюк Брнтанння, АҚШ, Франция, Снигапур бизнесменлари ҳам уюшма билан ҳамкорлнк қилнш нятндадирлар. Улар Ўзбекнстон кнематографчнларн билан биргаликда фнльмлар яратнш, реклама фаолнятнни йўлга қўйншга қнзнқнб қолдирлар. Чет эллярда санъат асарларн, кнтоб маҳсулотларн, амалнй халқ ҳунармандчилнгн санъатн буюмларн кўргазмаларн ва ярмаркаларнни уюштирнш ва кейнячалнк у ерда шу нарсаларнн сотншнн уюштирнш нмконнятларн ҳақнда фнкр юрнтнлдн.**

## ҲУШЁР БЎЛИНГ!

Тошкентнинг Марказ — 4 микрорайонига болалар ўйнайдиган қумли майдончалардан бирида альфа-нурлар таратувчи манба — ёнғинга қарши яроқсиз датчик топилди. Ускунани Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли Краснохолм экспедициясининг радиацион экология отряди ходимлари Тошкент шаҳрини текшираётганларида топиб олдилар.

— Чамаси, керак бўлмаганлиги учун бу ускуна шу яқин атрофдаги ахлатхонага ташланган, болалар эса, уни топиб олишган, — дейди отряд бошлиғи Ю. Семенов ЎзТАГ мухбирига. — Бундай воқеалар илгари ҳам бўлган. Бизнинг октябрь ойида тузилган отрядимиз Тошкентнинг учдан бир қисмини текшириб чиқди ва 60 та радиоактив манбани аниқлади. Булар асосан ёнғинга қарши датчиклар эди. Ишга яроқли пайтида улар хавфсиз, лекин агар унинг сопол қобиғи синдирилса, дарров кучли радиоактив манбага айланади. Тошкентдаги ҳар уч мактабдан бирида шунга ўхшаш манбалар — эскириб қолган ускуналар, турли бўёқлар топилди.

Радиацион экология отряди конверсия натижасида ташкил қилинди. Биз илгари табиий уран конларини излардик, энди эса масъулиятсизлик меваларини қидираяпмиз. Отряд ўлчов ишларини Тошкентдагина эмас, шу билан бирга Ашхобод ва Душанбеда ҳам олиб боради. Шаҳарлар гамма-майдонининг хариталари тузиладн.

Топилмалар шуни кўрсатдики, кўпгина радиоактив манбалар назорат қилинмайди. Чунончи ёнғинга қарши датчикларни «Узспецавтоматика» ўрнатади ва олиб ташлайди, лекин бу нарсаларнинг кейинги тақдири учун ташвиш чекмайди. Ваҳоланки, ана шундай ҳар бир асбоб республика кўмиб ташлаш пунктининг кўп қаватли бетон қутиларига тушиши лозим.

Гражданлар эътиборига: қўшув аломатига ўхшаш сариқ геометрик шаклли оқ доирали буюмлар радиоактив хавфни англатади. Ҳушёр бўлинг.

Шаҳримиз меҳмонлари

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Муқаддара Нарзуллаевна Рустамовани Душанбе шаҳрида танимайдиган одам кам топилса керак. Шаҳар хотин-қизлар кенгашини бошқараётган бу аёл ажойиб кўргазма яратишга бел боғлаган. Унинг хонадонидан партия ходими, муаллима, шоир, ёзувчи, шифокор, қўйингки барча мутахассисликдаги биринчи аёлларнинг суратлари, шунингдек зарур ҳужжатлар ўрин олмоқда. Ҳозир уй-музейда йиғилган 3 мингдан ортиқ кўргазмаларга қизиқиш тобора ортиб бораяпти.

Қардош тожикистонлик фидойи аёл Муқаддара Рустамова, таниқли қўшиқчи ва раққоса Барно Аҳмедовалар пойтахтимизга ташриф буюришди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг ташаббуси билан «Саодат» журнали редакциясида учрашув ўтказилди. Бир пиёла чой устидаги суҳбатда меҳмонлар музей, шунингдек ўзлари билан бирга олиб келган тожик ва ўзбек аёллари акс этган кўргазмалар ҳақида гапириб бердилар. Журналнинг Муҳтарама Улуғова, Зулфия Мўминова, Санобар Фахриддинова ва бошқа ижодкорлари қардошларимизнинг бу хайрли ишини маъқуллаб, редакцияда ҳам биринчи ўзбек аёллари кўргазмасини ташкил этиш вақти келганлигини айтишди.

Учрашув сўнгида Ватанни, тинчликни, «Наврўз»ни ва аёлларни мадҳ этувчи мушоира, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**С. ШОДИЕВ.**

# БИРЛАШМАГА БОШ

ЭШИК ёнида турган, келишгангина аёл марказий кириш жойидан аллақаерларга сим қоқди-ю, яна ташқарига кўз тикди. Ташқарида ёмғир шивалайди. Соябонларини силкитиб, фабрикага кириб келаётган қиз-жувонлар бирлашма директорининг ўйчан қиёфасига қарашадию, «Ассалому алайкум, Раиса опа» дейишиб цехга йўл олишади. Баъзи ишчилар Раиса Ҳайитовнанинг кўчага кўз тикаётганидан яна бир меҳмонлар делегациясини кутиб олаётганини дарҳол пайқашди. Ҳақиқатан ҳам шундай.

«Покистон фирмасининг вакилларини кутяпмиз», директор ўзини саволга тутганларга қисқагина жавоб қайтаради.

Раиса Ҳайитовна Отажонова Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида олти йилдан бери бош директор лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. Шу вақт ичида корхонага Иттифоқдан ва чет эллардан қанча-қанча меҳмонлар келиб кетишди. Раиса опа бундай меҳмонларни ҳар сафар ҳам очиқ кўнгил билан кутиб олади.

Уларга қўли-қўлига тегмай ишлаётган қизларини таништираётганда, кўргазмалар залида осиб қўйилган сержило дастурхону, сўзаналарни, айниқса янги маҳсулотларни кўрсатаётганда қалби фахрга тўлади. Ахир бирлашма ишчилари ўзбек халқининг кўп йиллик маҳорати ва санъатини ўзида мужассамлаштирган касб билан машғуллар. Азалабад келинларнинг хонадонлари олтин қўлли каштачи ва тикувчилар томонидан тикилган шохи сўзана, зардеворлар билан безатилган. Бу одат бугунги кунимизга ҳам етиб келган. Албатта ҳозир ҳар бир хона ўзига хос мебель билан жиҳозланса-да, фабриканинг буюмлари уларнинг янада файзлироқ бўлишига ёрдам беради.

Раиса опа аслида миллатимизнинг қадимги урф-одатларини - сақлаб қолиш тарафдори. Хонадонларни безашда авлари расм-русмларга риоя қилиниши халқимиз маданиятининг сақлаб қолиниши эмасми, дейди у.

Ҳақиқатан ҳам бирлашманинг бирорбир маҳсулотини харид қилмаган оилани шаҳримизда топиб бўлмаса керак. Қушлар, гуллар безакларининг маҳорат билан матоларга туширилганини кўрганимизда чевар аёлларимиз меҳнатига тасаннолар айтмай иложи йўқ. Улар айниқса корхона хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган бугунги кунда ўзларига ниҳоятда талабчанлик билан меҳнат қиляптилар.

— Хўжалик ҳисоби шароитида иш юритиш корхона кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатди, — деб ҳикоя қилади бош директор. — Биз ишни ҳар бир участкада иқтисодий ўқув машғулотларини ўтказишдан бошладик. Инженер-техник ходимми, ишчими, ким бўлишидан қатъий назар ўз ўрнида масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаши, иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланди. Мана эндиликда ўтказилган тадбирлар ўз натижасини беряпти.

«Шарқ гули» бирлашмаси шаҳримизнинг пешқадам коллективларидан. У 1987 йилда биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисоби шароитида иш юрита бошлади. Бугун корхона барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планларни ортиғи билан адо этяпти. Маҳсулотини нормативдан ташқари корхонада ушланиб қолиш ҳолларига батамом барҳам берилган. Маҳсулот турлари ҳар йили ўзгартириб бориляпти. Бу эса даромад фондини яратиш ва уни мустаҳкамлаб бориш имконини яратган. Ўтган йилги якунларга кўра бирлашма планда белгиланган 3 миллион 42 минг сўмга қўшимча равишда 1 миллион 12 минг сўмлик маҳсулот топширди. Цехлардаги ускуналарнинг замонавий, чет эл автоматлари билан ўзгартирилиши, инсон омилига эътибор бундай унумли ишнинг пойдевори бўляпти.

Хўжалик ҳисобида иш юритилаётган муддатда ишчиларнинг ўртача маоши 122 сўмдан 170 сўмга ортди. Ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Биринчи навбатда инсон омилига эътибор берилаётганлиги муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Бирлашмадаги спорт комплекси, руҳий ҳордиқ хоналари, саломатлик пункти, маиший комплекслар-нинг ҳаммаси ишчилар учун бунёд этилган.

— Аёллар билан ишлашнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор, — дейди корхона директори. — Менимча бунда энг асосийси инсон қалбига йўл топа билиш. Мен бу ишнинг уддасидан қанчалик чиққанимни билмайману, лекин ҳар ҳолда улар билан яқиндан мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламан. Агар ҳар сменада 500 дан зиёд ишчи меҳнат қилса, мен учун ҳар бирининг саломатлиги, кайфияти ниҳоятда муҳим. Чунки фақатгина яхши кайфият бўлганда, аёлларнинг оиласидан кўнгли тўқ бўлганидагина ишимиз унумли бўлади. Биз аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини кўп гапирамиз. Лекин амалда, айниқса ўзбек оилаларида бу ниҳоятда мураккаб масала эканлигини тан олиш керак. Ҳар бир аёл авваламбор ишчи, эркаклар билан теппа-тенг меҳнат қилади. Лекин у ўзининг оналик, фарзандлик, келинлик, опалик, сингиллик, рафиқалик, уйда бекалик мажбуриятларини тўла-тўкис бажариши керак. Қолаверса, чиройли кийиниши, гўзаллигини асраши лозим. Лекин буларнинг ҳаммаси аёлларимиз учун кўпинча оғир бўлиб қолаётганини ёдимизда тутишимиз лозим. Мен қизларимизнинг ҳаммаси ўз ҳаётларидан кўнгиллари тўлишини истайман. Ахир ўнлаб корхоналар ишини ана шу хотин-қизларимиз тебратиб келяптилар. Шундай экан, ҳурматли эркакларимизга «Аёлларни асранг, оилада улардан озгина эътибор ва ғамхўрлигингизни аяманг» деб тилак билдиргим келади.

Раиса опа ўз олдига ҳам иш, ҳам оила масаласида маслаҳат сўраб кирганларнинг гапини бор вужуди билан тинглаб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, қўлидан келганча ёрдамлашади. Шунинг учун бўлса керак ишчилар уларнинг номини алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга оладилар.

Ишлаб чиқаришни маҳорат билан ташкил этганлиги, инсон омилига биринчи масала деб қараши, жамоатчилик ҳаётида фаоллиги туфайли бўлса керак, бирлашма коллективи Раиса Ҳайитовна Отажонованинг номзодини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишди. Бугун 29-Октябрь сайлов округи сайловчилари бу аёлнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури билан қизиқиб танишяптилар. Биз ҳам варақаларда директорнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида битилган мисраларни ўқиймиз.

«...1961 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1957 йилда Тошкент енгил саноат техникумини, 1967 йилда тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган, инженер-технолог. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилда «Қизил тонг» фабрикасида назоратчиликдан бошлаган. 1958 йилдан 1963 йилгача Тошкентдаги пойабзал фабрикасида техник назорат бўлими бошлиғи, 1963—1966 йилларда бадиий буюмлар фабрикасида касаба союз қўмитасининг раиси, кейинчалик бош инженер бўлиб ишлади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги кадрлар бўлими бошлиғи, Ўзбекистон халқ бадиий ҳунармандчилиги жумҳурият бирлашмаси бошлиғи бўлди. 1983 йилдан бошлаб «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори».

Меҳнатда эришган муваффақиятлари ва жамоат ишида фаол қатнашганлиги учун «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг кумуш медали, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган.

Депутатликка номзоднинг дастуридан бугунги кунда жумҳуриятимиз миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ўрин олган. Чунончи, жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, аёлларни оғир жисмоний меҳнатдан халос қилиш, тунги сменаларда ишлашни камайтириш, касаначиликни ривожлантириш, болалар муассасаларини кўпайтириш ва яна қатор тадбирлар ана шу дастурга киритилган.

**В. МАДИМАРОВА.**

# Хонага файз бағишловчилар





⊙ ҚАНДИЛ УСТАЛАРИ. Комсомол аъзолари Н. Андасова, М. Ғаффорова, Ф. Тошпўлатовалар (чапда) ва (ўнгда) М. Боймирзаева ва М. Исроиловалар. Муаллиф суратлари.

Тошкент уй-рўзғор электр буюмлари ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган турли кўринишдаги ранг-баранг қандиллар ҳозирда ҳар бир хонадонни безаган. Унинг янги турларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Қандиллар асосан корхонанинг 3-цехида йиғилади. Корхонанинг 2-йиғув цехи ҳам самарали натижаларга эришаётган коллективлардан. Цех коллективи пландаги 2783 минг сўмлик ўрнига 2855 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарди. Вақт ўтиши билан қандиллар кўриниши талабга жавоб бермай қолади.

Харидоргирлигини йўқотади. Шундай вазиятга тушиб қолмаслик учун қандилларнинг янги намуналари тайёрлаб борилади. Тажриба тариқасида яратилган маҳсулотлар махсус кўрикдан ўтгач, ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Яқинда 1990 йилда ишлаб чиқариладиган қандилларнинг 15 тури Москвадаги Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтидаги бадиий кенгаш аъзолари эътиборига ҳавола қилинди. Кенгаш аъзоларининг қарорига кўра 11 та янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий қилинадиган бўлди.

Бугунги кунда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланган. Албатта, ишчиларга ғамхўрлик оширилса, уларнинг дам олишлари ва саломатликларини тиклаш учун яхши шарт-шароитлар яратилса, иш унумли бўлаверади, кадрлар қўнимсизлигига ҳам чек қўйилади. Мазкур корхонада унумли ишлаш учун барча шароитлар яратилган. Лекин бу ишлар чегара эмас. Келгусида яна бир қанча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутиляпти.

Цехнинг Нодира Ёқубова етакчилик қилаётган қандил йиғувчилар бригадаси ғайратли комсомол-ёшлардан иборат. Ҳамжиҳат ёшлар зиммаларидаги топшириқларни ортиғи билан бажаришяпти.

Хўжалик ҳисоби шароитида иш юритаётган мазкур бирлашманинг маҳсулотлари нафақат жумҳуриятимиз, балки бошқа шаҳарларда ҳам ўз харидорларини топяпти. Бу эса коллектив ишчиларини зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди.

**Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

# КОМПЛЕКС ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг битирувчилари қаерда ва қандай ишлаётганликларини аниқлаш мақсадида республиканинг кўпгина хўжаликларида комплекс текшириш ўтказилди.

«Мутахассислигимизга яраша иш йўқ» — бундай сўзларни олий ўқув юрти битирувчиларидан тез-тез эшитиш мумкин. Махсус комиссия бундай ҳолатнинг сабабларини аниқлади. Бунинг сабаби айрим факультетларга студентлар қабул қилиш миқдорининг мувозанати бузилганлигидадир. Натижада халқ хўжалигига керагидан ортиқ мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳам доимо юқори, деб бўлмайди. Оқибатда ёш мутахассислар етарлича назарий билимларга ва амалий кўникмаларга эга бўлмай қоляптилар. Абитуриент кўпинча қандай мутахассисликни танлаш тўғрисида чуқур ўйлаб кўрмайди, фақат олий ўқув юртига ўқишга кирса бўлгани. Институтни битирганидан кейин ҳам битирувчи одатда ўз мутахассислиги бўйича иш тополмайди, ижара коллективларига одамлар танланаётганида конкурсдан ўтолмайди.

Институтда шу йилнинг ўзидаёқ бу аҳволни тузатиш чора-тадбирлари белгиланди.

# ХУШХАБАРЛАР

⊙ **«ТОШКЕНТ—ПАССАЖИР» станциясида саёҳат поездлари учун манзилгоҳ барпо этилди. «Встреча» кооперативи бу ерда сауна, видеосалон қурди, дам олувчилар учун маиший қулайликлар яратди. Ўрта Осиё темир йўл магистрали умумиттифоқ маршрутлари — Бухоро, Самарқанд ва Урганчда учта ана шундай манзилгоҳ қуриш ва жиҳозлашни ўз зиммасига олди. Саёҳатчилар учун бу ерда барча қулайликлар яратиб берилган.**

⊙ **ТОШКЕНТДАГИ 35 ва 29-болалар уйларининг тарбияланувчилари биринчи марта парвоз қилдилар. Сергели бирлашган авиаотряднинг учувчилари уларни булутлар орасида сайр қилдириб келдилар. Учувчилар болаларга яна телевизор, радиоприёмник, китоблар ва пластинкалар совға қилишди. Авиакорхона коллективи ёнилғи-мойлаш материалларини тежаганлиги учун олган бутун мукофотини оталиғидаги болаларга сарфлашга қарор қилди.**

**(ЎзТАГ).**

Хат босилмаса ҳам

# Обуначи нега ранжиди?

**«Мен 20 йилдан бери «Тошкент оқшоми» газетасига мунтазам обуна бўламан, — деб ёзади А. Қаҳҳор кўчаси, 3-проезд, 93-уйда истиқомат қилувчи Н. Муродов. Турли масалаларга оид фикр-мулоҳазаларни шу газетадан оламан. Газета менинг қомусим. Лекин...**

**Ҳа, лекин газетани ўз вақтида ололмай сарсон-саргардонман. Менинг баъзи дўстларим «Оқшом»ни ўша куни кечқурун олишларини айтишса, ҳеч ишонмас эдим. Наҳотки, газета масалан, 2 январь куни чиқсада, шу куни обуначи олиб ўқиса деб ҳайрон бўлардим. Мен эса газетани бирор марта ўша куни ёки вақтида олганимни умуман билмайман.**

**Бизнинг А. Қаҳҳор кўчасига 25-алоқа бўлими хизмат кўрсатади. Алоқа ходимлари газеталарни кўнгилларидагидек истаган вақтда дасталаб ташлаб кетадилар. Бу ҳақда алоқа бўлими бошлиғига, ҳатто Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳам бир неча марта мурожаат этдим. Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётир. Гапим қуруқ бўлмасин деб бугун Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосарининг менга ва шу кўчада истиқомат қилувчи Ильинга йўллаган хатини сизларга жўнатаётирман».**

**«25-алоқа бўлимининг почтальони қониқарсиз ишлаётгани ҳақидаги шикоят хатингизни текширдик. Унда шу нарса аниқландики, ҳақиқатан ҳам сизнинг участкангизга хизмат қилувчи почтальон Т. Лапенко муттасил равишда матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб бериш муддатларини бузиб келган. Ўз вазифасини бажаришга совуққонлик билан қараган почтальон Т. Лапенкога қаттиқ ҳайфсан берилди. 25-алоқа бўлими бошлиғи этиб тайинланган М. Беловага почтальонлар иши устидан назоратни кучайтириш кераклиги ҳақида кўрсатма берилди».**

**РЕДАКЦИЯДАН: Оқшомхон Н. Муродовнинг нуқсонидан ўзганича бор. Ахир, бир-икки йил эмас, 20 йилдан бери «Оқшом»ни ўз вақтида ололмадим, деб тоқати тоқ бўлганидан бу обуначимиз унга йўлланган сийқа жавоб хатини редакциямизга юборибди! Оқшомхон бутун дардини тўкиб солганлиги шундоққина кўринибтурибди.**

# ПАРТИЯ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ УЧУН

**КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг иши, унда «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида» М. С. Горбачев қилган доклад халқаро жамоатчилик ва матбуотнинг диққат марказида турибди. Матбуот, радио ва телевидение совет мамлакати, КПСС, совет қайта қуриши тақдири учун бу воқеанинг ғоят муҳим аҳамиятини таъкидламоқда.**

● **БЕРЛИН**

**«М. С. Горбачев: КПСС қироатхонликдан воз кечиши ва тубдан янгиланиши лозим» — «Нойес дойчланд» газетаси КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳақида ана шундай сарлавҳа остида хабар бериб, Москвадаги партия анжуманида КПСС XXVIII съездини июнь ойининг охири — июлнинг бошларида ўтказиш ҳақида тақлиф киритилганлигини алоҳида таъкидлайди. Газеталар Москвадаги партия пленумида таъкидланганидек, агар КПСС ўзини тубдан қайта қураолса, ҳозирги шароитдаги сиёсий иш санъатини эгаллай олса, барча сиёсий кучлар билан муваффақиятли алоқа қила олса, сиёсий авангардлик вазифасини бажара олишини уқтиради.**

● **ПАРИЖ**

**«КПСС: инсонпарвар социализм» — ана шу сўзларни француз коммунистларининг «Юманите» газетаси сарлавҳага олиб чиққан. «М. Горбачев ўз нутқида, — деб ёзади газета, — совет коммунистлари жамиятда раҳбарлик роли учун ҳеч қандай конституцион кафолатсиз, кучайиб бораётган фикрлар хилма-хиллиги шароитида бирдан-бир восита — демократия воситасида кураш олиб боришни хоҳлаётганликларини айтди». «Совет раҳбарлари ғоят қийин шароитда амалга ошираётган тадбирларга юксак баҳо бериш лозим, — деб ёзади «Юманите». — Биз ўтмишдаги усулларга қайтишни, имтиёзларни сақлаб қолишни истаётган кишиларга қарши, шу билан бир вақтда капитализмни тиклашни орзу қилаётган кишиларга қарши курашда М. С. Горбачевни қўллаб-қувватлашимизни айтамиз».**

● **БОНН**

**«М. С. Горбачевнинг Пленумдаги нутқи СССРда қайта қуриш сиёсатининг янги босқичини бошлаб беради, — деб таъкидлади Ғарбий Германиядаги ЦДФ телекомпанияси. — Бу — партияни демократиялаш ва унинг аппаратини қайта қуриш йўлидаги жиддий қадамдир. Агар М. С. Горбачев нутқида баён қилинган тезисларни амалга оширишга муваффақ бўлинса, қайта қуриш анча тезроқ суръатлар билан олға боради, раҳбариятнинг омма орасидаги обрўси мустаҳкамланади».**

● **ЛОНДОН**

**Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси М. С. Горбачев докладини «СССРда сиёсий ислоҳотни амалга ошириш учун шу вақтгача қилинган уринишларнинг энг дадили» деб таърифлади. «М. С. Горбачевнинг партия сиёсий ҳаётининг олдинги сафида бўлишига эришиш учун қатъий бел боғлаганига шубҳа қилишга ҳеч қандай асос йўқ», — деб ёзади газета.**

**(ТАСС).**



⊙ ТОКИО. Якшанба куни синтоистлар эҳромида.

Ю. Белинский (ТАСС) сурати.

Тольяттидан хат

# ЎН ИККИ МИЛЛИОНИНЧИ «ЖИГУЛИ»

**⊙ Хўжалик юритишнинг янги принциплари асосида иш олиб бораётган Тольятти шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли «АвтоВАЗ» енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қайта қуриш даврининг бешинчи йилида катта зафарларни қўлга киритди. Завод бош конвейеридан ўн иккинчи миллионинчи «ВАЗ» маркали енгил машинаси тушириб олинди. Бу ҳаммага маълум бўлган «ВАЗ—2109» — «Самара» автомобили бўлди.**

ТОЛЬЯТТИЛИК автомобилсозлар бундай муваффақиятларига биринчи марта эришаётганлари йўқ. Волга автомобиль заводи яқинда ўзининг 20 йиллик шонли тарихини нишонлайди. «ВАЗ» шу кунгача давлат бюджетига 55 миллиард сўм соф фойда келтирди. «АвтоВАЗ» комплекси: автозавод, коммунал ишлаб чиқариш корхоналар йиғиндиси ва автомобилсозлар шаҳарчаси давлатга 2 миллиард 700 миллион сўмга тушди. Бу маблағ 1975 йилда завод 3 миллион дона «Жигули» машинасини ишлаб чиқаргандан сўнг тўла қопланган эди.

«ВАЗ» 1975 йилдан бери соф фойда олган ҳолда ишлаб келмоқда. Ўтган йили «АвтоВАЗ» бирлашмасида 200-мингинчи ходим меҳнат қила бошлади. Хорижий мамлакатларга юборилган машиналар сони 4 миллионга бориб қолди. Ҳозир «ВАЗ» маркали машиналарни жаҳоннинг 80 дан зиёд мамлакатлари йўлларида учратиш мумкин.

Албатта, бу мулоҳаза учун маълумотлар. Бугун бизнинг суҳбатимизнинг асосий «қаҳрамони» — «ВАЗ—2109» машинаси. Ахир, «ноль тўққиз» автомобили завод ишлаб чиқараётган машиналар орасида энг нуфузли ўрин эгаллаши тасодиф эмас. У техника даражаси бўйича энг ноёб нусхали ва ўта такомиллашган машина. Унинг двигатели олдинда кўндаланг жойлаштирилган, олдинги ғилдираклари етакловчи қилиб ишланган, бошқариш қулай бўлган автомобиль. Мутахассисларнинг фикрича, «ВАЗ—2109» бошқа машиналардан ўзининг аэродинамик ташқи тузилиши ва ички салони дид билан жиҳозланганлиги, тежамкорлиги (ёқилғини кам сарф этади) ва хавфсизлиги билан ажралиб туради.

Бинобарин, «ВАЗ—2109» кузови (агрегатларни мувофиқ равишда жойлаштириш схемаси) Ғарбий Германиянинг «Порше» фирмаси ҳамкорлигида яратилди. Бу лойиҳага кўра «ноль тўққиз»нинг иккита нусхаси таклиф этилди. Биринчиси, бу шу кунда завод дарвозасидан чиқарилаётган оммавий «ВАЗ—2109» — «Самара»дир. Иккинчиси, бу ўнг қўл қондасига риоя қилувчи Англия, Кипр, Австралия каби давлатларга мўлжалланган, руль системасини бошқариш ўнг томонда бўлган «ВАЗ—21096» маркали машинадир. Лекин бу машиналар рақобат кескин тус олаётган жаҳон автомобиль бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашига кафолат бўла олмаслиги ҳозирдан маълум бўлиб қолди.

Хўш, «ВАЗ» мутахассислари машинани такомиллаштириш борасида қандай янгиликларни таклиф қилишмоқда?

Заводнинг бош конструкторлик бошқармасининг таклифича кўра совет автомобиль ишқибозлари ва хорижий мамлакат харидорлари талабларини қондириш учун «ВАЗ—2109» машинасининг янгиларини тез-тез яратиш мақсадга мувофиқ деб айтиш кифоя. «Ноль-ноль»нинг салонига қатор ўзгартишлар киритилган. Завод бош конвейеридан шу турдаги машиналар ҳозир тинимсиз тушиб турибди.

Навбатдаги, иккинчи, машина бу — «ВАЗ—21093—02» «такомил» туридир. Бу машиналарнинг тажриба-саноат туркумларини яратиш яқин келгусида тугалланади. Юздан ошиқ тажриба автомобили ва 300 та мотор яратилиб, синовдан ўтиши керак. Мутахассисларнинг тасдиқлашича, автомобилларнинг умумий йўл босиши 250 минг километрдир. Двигатели муайян вақт давомида 10 минг соатдан ошиқ синовдан ўтади. Тажриба натижалари ижобий чиқса, сўнгра конвейерга қўйилади.

«Ноль тўққиз»нинг «такомил» тури асосан салонининг ички тузилиши, эстетик нуқтаи назардан дид билан жиҳозланганлиги билан бошқа машиналардан фарқ қилади. Унинг асбоб-анжомлари қулай ва гўзал ишланган. Янги руль гардишини бошқариш осон бўлиш билан бирга хавфсизликни ҳам таъминлайди. Кузов ичига солинган пол гиламчалари ва эшик, ўриндиқ ва том жиҳозлари автомобилнинг рангига мос равишда танланганлиги билан алоҳида хусусиятга эга.

1990 йилда ҳаётга йўлланма оладиган машиналар орасида «ВАЗ—21093—03» люкс машинаси автомобиль ишқибозларининг диққат марказида. Унинг муҳим техник янгилиги — автомобиль компьютер ва электрон ўт олдириш системаси билан жиҳозланган. Унинг тузилиши унча мураккаб эмас. «Микро — ЭҲМ» ўз навбатида маълумотларни қабул қилиб, ҳисоб ишларини амалга оширади ва ўт олдириш учун бир зумда учқун беради. Натижада ёқилғи тўлиқ ва тежамли ёнади. Буни қарангки, дунёда энг қаттиққўл стандарт — бу АҚШ стандарти бўлиб, «ВАЗ—21093—03» двигателидан чиққан заҳарли газлар нормаси шу талабларга жавоб берар экан.

«ВАЗ—21093 — 04» махсус талабларга жавоб берувчи автомобилдир. У салонда иқлим шароитини яратувчи кондиционер, ўриндиқларни иситувчи прибор ва қуйма дискли ғилдираклар билан жиҳозланган. Бу машина иқлими кескин жойларда яшовчи автомобиль ишқибозларининг энг севимли машинаси бўлиб қолади.

1991 йилда кўплаб ишлаб чиқариладиган «ноль тўққиз» оиласининг ҳамма моделлари орасида энг такомили «ВАЗ—21099»дир. Унга янги фаралар ўрнатилган. «ВАЗ — 21099»нинг ташқи тузилиши етарлича ўзгариб, гўзал ишланган. У олдинги машиналарда ўзлаштирилган ҳамма техник янгиликларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳозир заводда ишнинг қизғин даври — янги машиналарни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кенг авж олган. «ВАЗ» ва бошқа завод-филиалларда «ноль тўққиз»нинг ноёб нусхали, 154 номдан иборат қисмлари ўзлаштирилди. Заводда 18 та қолипнинг олтитаси йирик бўлиб, уларни тайёрлаш ишлари график асосида бормоқда. Асбоб-анжомлар тайёрлашга Ғарбий Европадаги фирмалар жалб этилган. Кузовни йиғиш ва механик ишлов бериш учун 112 хилдаги технологик ускуна ва жиҳозлар тайёрланди. Ўйлаймизки, «ноль тўққиз»нинг бу ноёб нусхалари ўз вақтида ишлаб чиқарилиб, оқшомхонларни хушнуд этади.

**Ш. ИБРОҲИМОВ, инженер.**

Ўзбекистонда Навоийхонлик кунлари

Бир ғазал таҳлили

# «ҚУЁШДЕК ЧЕҲРА БИРЛА...»

**Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,**
**Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб.**
**Қилиб мужгонни шабравлар кибн жон қасдига ханжар,**
**Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.**
**Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,**
**Манга титратма тушти зарра янглиғ, изтироб айлаб.**
**Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,**
**Такаллум бошлади ҳар лафзнин дурри хушоб айлаб.**
**Ки: «Эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен!»**
**Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.**
**Чиқордн шишам май доғи бир соғар тўла қуйдн,**
**Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.**
**Ки: «Эй мажнун, парн кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг!**
**Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб».**
**Ичиб, фарёд этиб туштум аёғига, бориб ўздин,**
**Мени йўқ бодаким, лутфи анинг мастн хароб айлаб.**
**Аниким, элткай васл уйқуси ишрат тунн мундоқ,**
**Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.**

**ЛУҒАТ:**

**Гулрух** — гул юзли.
**Хиром** — юриш, чиройли юриш.
**Хай** — тер, юздаги тер.
**Мужгон** — киприк.
**Гулоб** — гул ва шакарга сув солиб тайёрланган ичимлик.
**Шабрав** — ўғри.
**Анбарбор** — анбар ҳиди анқиб турадиган.
**Тийра** — қоронғи.
**Илким** — қўлим.
**Такаллум** — гапирмоқ.
**Дурри хушоб** — тоза жавоҳир.
**Балокаш** — балоларга йўлиққан.
**Соғар** — қадаҳ, май.
**Рафъи ҳижоб** — пардани кетказиш.
**Бода** — май, арақ.
**Субҳи маҳшар** — қиёмат тонги.

**⊙ ҒАЗАЛ МАЗМУНИ:**

Гул юзли севгилим кеча оқшом кулбамга шитоб билан келди. Тез юрган учун юзидан маржон-маржон тер оқарди. Кипригини тунги йўлтўсарлар каби жон қасдига ханжар қилган; белига анбар ҳидли кокилидан қора таноб боғлаган эди.

Қуёшдек чеҳра билан қоронғи кулбамни равшан айлаб киргач, мен заррадай изтироб чекиб титратмага тушдим.

У кулиб ўтирдию, қўлимдан тутиб, ёнидан жой берди ва ҳар бир сўзини бебаҳо дурдай соча бошлади: «Эй балолар чеккан ошиғим, менсиз нечуксан?» Мен лол бўлдим-у, бир оғиз ҳам жавоб беролмадим.

Севгилим ёнидан май шишасини чиқариб, бир қадаҳни тўлдириб қуйди. Уни ўзи ичди-ю, юз хил нозу карашма билан менга ҳам тутди: «Ҳой мажнун, парн кўрдингми: ҳушинг бошингдан учган? Бу майни ичиб, ийманмай гапиргин».

Мен майни ичдиму, фарёд этиб ўздан бориб, оёғига йиқилдим. Мени май эмас, унинг лутфу марҳамати ўта маст қилган эди.

Ишрат кечаси бундай васл уйқусига кетадиган киши, Навоийдек қиёмат тонгигача уйқуни тарк этиб нима қиларди.

**ШАРҲЛАР:**

**Тун оқшом** — ўтган кеча. **Шабрав** — кечаси юрувчи деган маънони билдиради. Ўғрилар кўпинча кечаси «ишлашгани» учун шабрав дейишган.

**«Эй мажнун, парн кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг!»** деганда муаллиф халқ тасаввурига ишора қилган. Чунки бирор йигит телба бўлса, унга пари теккан, дейишади.

**«Рафъи ҳижоб айламоқ»** — пардани кўтариб ташламоқ бўлиб, ҳаё пардасини орадан кўтариш маъносидадир.

**Субҳи маҳшар** — қиёматда бир тонгда одамлар ҳаммаси тирилиб, бир жойга йиғилишармиш. Ана шу жамики инсонят йиғиладиган жойни — маҳшаргоҳ дейишади. Одамлар ўшангача қабрда ўлим уйқусида бўлармиш.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди.**







⊙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ХАЗИНАСИДАН. Алишер Навоий сиймоси ва унинг асарларига ишланган расмлар. Р. Шарипов репродукцияси.

Муаллим мулоҳазалари

# ШУНДАЙ БИР УММОНКИ...

МАКТАБДА ўзбек тили ва адабиётига асос солган, шеърият султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўқиб, ўрганиш катта маърифий аҳамиятга эгалиги ҳаммамизга аён. Навоий бундан беш юз йил аввал ёзган достонларида золим ҳукмдорларни, порахўр мунофиқларни аёвсиз танқид қилиб, адолатни, вафо ва дўстликни, одоб ва ахлоқни, ростгўйликни улуғлаб, илмнинг фойдасини тарғиб қилган эди.

Биз адабиёт муаллимлари дарсда буюк шоирнинг тилларга тенг рубоий ва ғазаллари мазмунини ўқувчилар онгига сингдиришда таълимнинг турли усулларини қўллашимиз керак. Масалан, мен 7-синфда Алишер Навоийнинг «Ғурбатда ғариб...», «Хўб эл била...», «Ҳар кимки чучук сўз...», «Эл қочса бировдин...» рубоийларини ўтганимда, ўқувчиларга аввал «ғурбат», «ғариб», «шафиқ»... каби сўзларни ёздириб, сўнг мазмунини сўзлатаман. Маълумки, рубоийларда замонасидаги муҳим масалаларни, жумладан, ватанпарварлик, инсонийлик ғояларини илгари сурган бобомиз «Ғурбатда ғариб...» рубоийсини ўз бошидан кечирган ҳаётий воқеалар билан боғлаган. Ўқувчиларимга Навоийнинг гоҳ Астрободда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Балхда сарсон-саргардонликда ўтказган йилларини, бу сарсон-саргардонликлар унинг ижодига таъсир этганини такрор-такрор гапириб бераман. Кейин уларга қандай таъсир этганини билиш мақсадида ўзларидан сўрайман. Синф тахтасига саволлар ёзаман. Ўқувчилар дарслик ва луғатдан фойдаланиб, бирин-кетин жавоб бера бошлашади.

Биринчи ўқувчи шоир Астрободдами, Самарқанддами, қаерда бўлмасин ўмрини бегона юртда сарсонликда ўтказишини қизил гул ўсган олтин қафасдаги булбулга ўхшатади, деб жавоб қайтарса, иккинчи ўқувчи:

Булбул чўп-хасдан, тикандан ясалган уясини олтин қафасга нисбатан аъло кўришига сабаб, тиканли уясида эркин, озод яшаш афзал эканини сўзлаб беради.

Шунингдек, М. Абдуллаевнинг Ойбекнинг «Навоий» романига чизган Навоий портретини, рассом Т. Саъдуллаевнинг «Навоий ва Беҳзод» ҳамда Навоийни дафн этиш маросими тасвирланган расмларини кўрсатиш ҳам ўқувчиларнинг Навоий ижодини янада чуқурроқ ўзлаштиришларига имкон беради.

Айниқса, дафн этиш маросимининг кўриниши ўқувчи онгида узоқ сақланиб қолади. Унда Навоийни кўмиш маросими катта мотамга айланган. Тобутни кўтарган Ҳирот шаҳри аҳолиси чуқур қайғуда.

Улуғ тарихчи Хондамирнинг Навоий вафоти муносабати билан ёзган шеъри ҳам ўқувчида мунгли таассурот қолдиради:

**Ўлимидан ҳар бир уйга**
**тушди мотам,**
**Мамлакатнинг ҳар**
**бурчидан чиқди фиғон,**
**Темир юрак, тош юракли**
**кишилар ҳам**
**Бу даҳшатли мусибатдан**
**ютдилар қон.**

Хулоса қилиб айтганда, биз муаллимлар буюк бобомиз ҳаёти ва ижодини ўтишдан олдин қанча кўп излансак ўзимизга шунча яхши.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,**
**230-мактаб методист-ўқитувчиси.**

# АДАБ БИНОСИ

Алишер НАВОИЙ

# ИНСОНГА ЗИЙНАТ

● Инсон тирик экан, ўз ватани учун курашмоғи лозим.

● Яхшиликни ёмонлигдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ бўлма!

● Сўралдиким, не нима дурким фойдаси барча халойиққа етар.
Дедиларким, ёмонларнинг йўқлиғи.

● Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма. Оз деган оз енгилур, оз еган оз йиғилур.

● Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил.

● Сўзни кўнглунгда пишқормағунча тилга келтирма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма.

● Қила олғонча таъзим ва адаб биносин йиқма, ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

● Адаб ва тавозеъ дўстлуқ кўзгусига жило берур, икки жонибдин ёруғлуқ еткарур.

● Сабр била боғлиқ иш очилур, ишда ошуққан кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур.

● Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шаъмий кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар.

**Ким қилди қатиғликда вафодош сенга,**
**Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош сенга.**

●

**Узингизни меҳнат кунн овутинг,**
**Не ғам келса даврондин, осон тутинг.**

●

**Йўқ ҳунарн, ёлғиз эса ўз қишн,**
**Қайда қишн сонида ёлғиз кишн.**

**Бир деганни икки демак хуб эмас,**

●

**Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.**

●

**Ростдир улким, назари тўғридир,**
**Ким илғи эгридур ул ўғридир.**

●

**Ҳар кимсаки айламас ошумоқни ҳаёл,**
**Япроғни ипак қилур, чечак баргини бол.**

Атамалар бўлими

# БИР МАВЗУДА ИККИ МАКТУБ

**⊙ «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 10 январь сонида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети жой номларини белгилаш (топонимия) комиссиясининг баъзи жой номларини ўзгартириш ҳақидаги таклифларн ёритилган эди. Шу масала юзасидан рўзномамиз икки мактуб олди, унда айтилган самимий фикр-мулоҳазалар жой номларини аниқ белгилашда фойдали бўлади, деган мақсадда ҳар икки мактубни ёритдик.**

**БУЮК АДИБЛАРИМИЗ РУҲИ**

БИЗ, шарқшунос олимлар шаҳар атамалар комиссиясининг ижобий фаолиятини мамнуният ва қизиқиш билан кузатиб боряпмиз. Кўча ва хиёбонлар, маҳалла ва даҳаларнинг кўҳна ва тарихий номларини қайта тиклаш шаҳар аҳолисига маъқул ва манзур бўлмоқда. Бундай савобли ва хайрли ишни изчил, муттасил, қатъият билан, халқ ила бамаслаҳат давом эттириш ғоят зарурдир.

Биз яқинда «Тошкент ҳақиқати» ва «Тошкент оқшоми» газеталарида Ғафур Ғулом номли метро бекатини Абдулла Қодирий бекатига айлантириш тўғрисида аталмалар комиссиясининг таклифини ўқидик. Мазкур таклифда жон бор. Бир ерда, яъни Абдулла Қодирий кўчасига туташ жойда Абдулла Қодирий номли метро бекати бўлиши мантиқан тўғри бўлиши мумкин. Лекин, шуни унутмаслик лозимки, Ғафур Ғулом ҳам, Абдулла Қодирий ҳам ўзбек халқининг миллий фахри, ғурури, азиз ва мўътабар фарзандидир. Насрда Абдулла Қодирий буюк бўлса, назмда Ғафур Ғулом улуғ ва бетакрордир. Шунинг учун бу икки машҳур адибларимизнинг бирининг ҳисобига иккинчисини улуғлаш, абадийлаштириш кўпчиликка маъқул бўлмаса керак. Боз устига, Ғафур Ғулом номи муҳрланган метро бекатини Абдулла Қодирий бекатига айлантириш буюк адибларимизнинг руҳини ранжитади, хотирасини камситади, холос.

Абдулла Қодирий номини абадийлаштириш борасида шарқшунос олимларнинг шундай таклиф-мулоҳазалари бор. Фикримизча, ҳозирги «Халқлар дўстлиги» хиёбони ва метронинг Халқлар дўстлиги станциясига Абдулла Қодирий номи берилса, бағоят маъқул иш бўлур эди. Биринчидан, бу кенг ва кўркам хиёбон ҳамда гўзал метро бекати улуғ адиб номига, шаънига ва обрўйига ғоят монанддир. Иккинчидан, «Халқлар дўстлиги» хиёбони Абдулла Қодирий таваллуд топган, яшаган ва ижод этган боғ-ҳовлисига туташ кетади. Бу ҳам фикримизнинг мантиқан эканлигини тасдиқлайди.

Биз юқорида баён этган мулоҳаза ва таклифлар эътиборга олинади, деб умид қиламиз.

**Бўрибой АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби,**
**Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.**

**Ашраф АҲМЕДОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.**

**Марат БОБОХЎЖАЕВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

**Илёс ҲОШИМОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**Қувомиддин МУНИРОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**МУҚАДДАС НОМЛАРИ ДИЛЛАРДА**

ҚОРАСАРОЙ ва Чувалачи аталмиш кўча ва ундаги Кадиобод маҳалласи Тошкент шаҳрининг кўҳна ва қадимий маҳалларидан биридир. Кадиобод маҳалласидан кўплаб олиму фузалолар, ёзувчи-шоирлар, машҳур ҳунармандлар етишиб чиққан. 20-йилларда Кадиободда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам яшаб ижод қилган. 30-йилларда маҳалламизга Ғафур Ғулом кўчиб келдилар. Улуғ шоирнинг машҳур шеър ва достонлари шу муқаддас даргоҳда яратилди. Кадиободда яшаган даврда Ғафур Ғулом академик ва Ўзбекистон ССР халқ шоири деган юксак унвонларга сазовор бўлдилар. Ғафур Ғулом туфайли Садриддин Айний, Лоҳутий, Алексей Толстой, Якуб Колас сингари машҳур адиблар маҳалламиз меҳмони бўлдилар. Ғафур Ғулом маҳалла аҳлининг энг яқин дўсти, кўмакчиси, мададкори ва дардкаши эдилар. Тўйтомошалар, гапу гаштаклар, мажлислар Ғафур Ғуломдек эъзозлаймиз, ардоқлаймиз. Эндиликда, Ойбек кўчаси, Абдулла Қодирий хиёбони ва Ғафур Ғулом номидаги метро бекати бирй-бири билан бир нуқтада учрашиб, чатишиб турсалар. Бунинг нимаси ёмон? Бу, билъакс нур устига нур эмасми?! Гўё, бу уч улуғ аллома бир кўчада, бир майдонда бир-бирларини топишиб яшасин замон дейишгандек, туюлади бизга.

**Сафо КАРИМОВ,**
**Кадиобод маҳалла қўмитасининг ранси, меҳнат ветерани.**

**Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,**
**партия ва меҳнат ветерани.**

Фан оламида

# ШИФОБАХШ ДОРИ

⊙ ЯНГИ ЛСХ-1 шифобахш дориси сариқ касаллигини даволашда кўп самарали хоссаларга эгадир. Унинг ёрдамида қисқа вақт ичида қонда оқсил моддасини умуман қайта тиклаш, азот алмашувини рисоладагидек қилиш, жигарда гликогенни юқори даражада сақлаб турғшга ёрдам беради. Бу дорини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институтининг етакчи илмий ходими К. Х. Ҳожиматов раҳбарлигидаги олимлар ишлаб чиқишди.

ЛСХ-1 — дорилар йиғиндиси бўлиб, унинг таркибига эфир мойи сингари Ўзбекистоннинг бошқа шифобахш ўсимликлари кирган.

Ўзбекистон Фанлар академияси химия институти билан биорганик химия институтида ана шу дори тадқиқ этилди. Ижобий натижалар олинди. ЛСХ-1 дорилар йиғиндисининг ўзига хос хусусияти шундаки, у нафас олишга ва қон босимига сезиларли даражада бирон-бир таъсир қилмайди. Кишини тетиклаштирадиган, хушбўй, таъми бироз нордон бўлган бу дамлама заҳарли эмас ва жигар муттасил қаттиқ огриганида касалхоналарда, шунингдек сариқ касаллигида, киши танасида ёғ кўпайганида сафро ҳайдайдиган восита сифатида амалда фойдаланилиши мумкин.


Реклама ва эълонлар

# САЁҲАТЛАР ЧОРЛАЙДИ



**ФЕВРАЛЬ ВА МАРТ ОЙЛАРИДА ДАМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН**

**Қишнинг сўнгги ойи ўтиб бораяпти. «Тошкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг саёҳат йўлланмаларини сотиш бюроси чанғи ва чана учиш, Ватанимиз турли бурчакларининг қишки манзараларини томоша қилиш таклиф қиладн. Февраль ойига қуйидаги маршрутларга йўлланмалар бор.**

**УЧ, БЕШ ВА ЕТТИ КУНГА**

Москвага («Измайлово») — 12—16 февраль, 26 февраль — 2 март — 228 сўм.
Шяуляйга (меҳмонхона) — 21—25 февраль — 241 сўм.
Севастополга — 22—26 февраль — 210 сўм.
Ереванга — 23—27 февраль — 209 сўм.
Киевга — 21—25, 24—28 февраль — 229 сўм.
Владимирга — 12—16 февраль — 216 сўм.
Каунасга — 12—16 февраль, 26 февраль—2 март—231 сўм.
Пушча-Водицага — 26 февраль—2 март—251 сўм.
Даугавпилсга (Рига)—27 февраль—4 март—277 сўм.
Севастополга — 19—23 февраль — 218 сўм.
Юрмалага — 20—24 февраль — 273 сўм.
Киевга — 12—16 февраль — 244 сўм.
Палангага — 13—18 февраль, 25 февраль—2 март—266 сўм.
Душанбега — 16—18, 23—25 февраль — 88 сўм.
Ригага — 24—28 февраль — 250 сўм.
Олмаотага — 24—26 февраль — 96 сўм.
Ивано-Франковскка — 12—16 февраль — 242 сўм.
Гродногa — 12—16 февраль — 249 сўм.
Ригага («Пабажи» пансионати) — 26 февраль —2 март — 248 сўм.
Ригага — 14—18 февраль — 262 сўм.
Молодечногa (Минск) — 25 февраль — 1 март — 240 сўм.
Лиепаяга (Рига) — 16—20 февраль — 256 сўм.
Паневежисга — 19—23 февраль — 268 сўм.
Красногорскка (Москва области) — 23—27 февраль — 212 сўм.
Калининградга — 9—13 февраль — 210 сўм.
Вентспилс — Резекнега (Латвия)—12 февраль—301 сўм.

**ЕТТИ, ЎН ВА ЎН БЕШ КУНГА**

Друскининкайга — 12—23 февраль — 309 сўм.
Нарва — Таллиннга — 15—23 февраль —, 361 сўм.
Евпаторияга (сувли муолажаси билан) — 12—26 февраль—345 сўм.
Киевга — 4—13 февраль, 24 февраль—2 март—342 сўм.
Пятигорскка — 20 февраль — 11 март — 319 сўм.
Вильнюс-Лиепаяга — 13—24 февраль — 356 сўм.
«Москворечье» саёҳатчилар базасига (Москва дарёси соҳилида) — Олтин ҳалқа — 19—28 февраль — 247 сўм.
Одессага — 15 февраль — 1 март — 376 сўм.
Москвага («Измайлово») — 22 февраль —3 март—315 сўм.
Ленинградга (Пушкин шаҳри дам олиш базаси) — 26 февраль — 10 март — 388 сўм.

**ЙИГИРМА КУНГА**

Сочига (ижарага олинган база) — 25 февраль — 17 март—401 сўм.
Евпаторияга (сувли муолажаси билан) — 17 февраль — 9 март — 366 сўм.
Сочига («Юбилей» меҳмонхонаси) — 17 февраль—9 март—344 сўм.

**Баҳор мавсумининг биринчи ойида дам олувчилар учун қуйидаги маршрутларни таклиф қиламиз**

**УЧ, БЕШ КУНГА**

Москвага — 16—18, 23—25, 24—26 март — 166 сўм.
Москвага — 30 март — 1 апрель, 31 март — 2 апрель — 166 сўм.
Москвага — 6—9, 7—10 март — 172 сўм.
Москвага — 5—9, 12—16, 19—23, 20—24 март — 228 сўм.
Шяуляйга — 18—22 март — 241 сўм.
Ростовга (Ярославль) — 11—15 март — 225 сўм.
Харьковга — 22—26 март — 223 сўм.
Севастополга — 8—12 март — 210 сўм.
Одинцовога — 14—18 март — 214 сўм.
Мариамполега — 19—23 март — 228 сўм.
Ереванга — 7—11, 16—20 март — 209 сўм.
«Шилялис» дам олиш уйига — 4—10 март — 275 сўм.
Красногорскка — 8—12 март — 212 сўм.
Вильнюсга — 5—9 март — 227 сўм.
Лидага (Минск) — 19—23 март — 253 сўм.
Каунасга — 19—23 март — 231 сўм.
Юрбаркасга — 5—9 март — 246 сўм.
Каунасга — 12—16 март — 231 сўм.
Севастополга — 5—9, 19—23 март — 218 сўм.
Юрмалага — 4—8, 25—29 март — 273 сўм.
Волгоградга — 2—4 март — 151 сўм.
Олмаотага — 4—8 март — 138 сўм.
Химкига (Москва) — 8—12 март — 199 сўм.
Пушча-Водицага — 17—21 март — 251 сўм.
Красногорскка (Москва области) — 16—20 март — 212 сўм.
Харьковга («Интурист») — 7—11 март — 267 сўм.
Ригага («Пабажи» пансионати) — 19—23 март — 248 сўм.
Ивано-Франковскка — 12—16 март — 242 сўм.
Ригага — 10—14 — 250 сўм.
Душанбега — 2—4, 23—25 март — 88 сўм.
Резекнега — 19—23 март — 269 сўм.
Митишчига — 8—12 март — 222 сўм.
Ригага — 7—11, 14—18 март — 262 сўм.
Молодечногa (Минск) — 9—13 март — 240 сўм.
Лиепаяга — 12—16 март — 256 сўм.
Друскининкайга — 4—8, 4—10 — 223 сўм.
Калининградга — 2—6, 16—20 март — 210 сўм.
Алитусга — 6—10 март — 235 сўм.
Калининградга — 5—9 март — 269 сўм.
Тбилисига («Интурист»)—5—9, 30 март—3 апрель—270 сўм.
Кишинёвга — 18—22, 5—9, 26 март—1 апрель — 254 сўм.
Урганчга — 16—18 март — 88 сўм.
Волгоградга —18—22 март — 195 сўм.

**ЎН ВА ЎН БЕШ КУНГА**

Друскининкайга — 8—19 март — 309 сўм.
Вильнюс — Минскка — 17—26 март — 345 сўм.
Паланга — Лиепая — Ригага — 28 март — 10 апрель — 403 сўм.
Киевга — 6—15, 16—25 март — 342 сўм.
Евпаторияга (сувли муолажаси билан) — 16—30 март — 345 сўм.
Пятигорскка — 12—31 март — 319 сўм.
Ялтага — 12—24 март — 275 сўм.
Ленинградга — 1—10, 11—20, 29 март — 7 апрель 324 сўм.
Саратовга («Словакия» саёҳатчилар меҳмонхонаси) — 15—21 март — 202 сўм.
Одессага — 2—16, 17—31 март — 376 сўм.
Москвага — 1—10, 15—24 март — 315 сўм.
Москвага — 14—20 март — 261 сўм.

**ЙИГИРМА КУНГА**

Евпаторияга (сувли муолажаси билан) — 29 март — 18 апрель, 9—29 апрель — 366 сўм.
Сочига — 4—24 март, 25 март — 14 апрель — 401 сўм.
Сочига («Битха» дам олиш базаси) — 18 март — 7 апрель—370 сўм.
Кисловодскка — 4—23 март — 319 сўм.
Ялтага — 10—30 март — 369 сўм.
Ессентукига — 19 март — 7 апрель — 318 сўм.
Алуштага — 26 март — 7 апрель — 246 сўм.
Сочига — 10—30 март, 31 март — 29 апрель — 344 сўм.
Львовга (Драгобич) — 16 март — 4 апрель — 425 сўм.

Йўлланма баҳосига ҳар икки томонга бориб-келиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати харажатлари киради. Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Навоий кўчаси, 69 «А», метронинг «Пахтакор» станцияси.

**«Тошкенттурист» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси (телефон 44-11-97).**
**«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.**


**«ДЎЗАХ ЁКИ ЎЗ-ЎЗИГА БИТИЛГАН ШАХСИЙ ИШ»**

⊙ ЛЕНИНГРАД. Яқин икки йил муқаддам ҳам ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқармаси)нинг собиқ маҳбуслари ўзларининг қатағон йилларидаги азоб-уқубатлари, қийноқлари ҳақида фильм суратга олинишига ишонишмасди. Шунинг учун улар «Ўз-ўзига шахсий дело» фильми яратилиши учун маблағларини жўнатишар экан, режиссёр Геннадий Александрович Бегловнинг ГУЛАГ ҳақидаги икки серияли фильми пайдо бўлди. Фильм устидаги ишлар ниҳоясига етди. Мана энди номигина бироз ўзгарган картина («Дўзах ёки ўз-ўзига битилган шахсий дело») томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. ГУЛАГ маҳбуслари ва уларнинг қариндош-уруғлари унинг биринчи томошабинлари бўлишди.




**СУРАТДА: ГУЛАГнинг собиқ маҳбуслари фильм премьераси олдидан.**
**Н. Адамович (ТАСС) сурати.**



⊙ ЁШ СПОРТЧИЛАР. Шаҳримиздаги 102-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси Ш. Шоазизов раҳбарлигида футбол қўл тўпи, волейбол, стол тенниси ва енгил атлетика тўгараклари ишлаб турибди. Р. Альбеков суратлари.

## Маданият муассасаларида

### ТАРБИЯЧИ ТАЖРИБАСИ

Успенский номли махсус мактаб-интернат муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. А. Попович Тожикистон маданият ва санъат ўқув юртлари муаллимларининг анъанавий учрашувига тажриба алмашиш учун таклиф этилганди. Тамара Афанасьевна бир қанча очиқ дарс ўтказди. Ў бу дарсларда ўзининг ўқитиш усуллари, истеъдодли болаларни қандай қидириши ҳақида гапириб берди.

Тамара Афанасьевна кўп мусиқачиларни тарбиялади. Улар орасида Халқаро, Бутуниттифоқ, республика кўрик мусобақаларининг ғолиблари бор. Муаллима Душанбе шаҳрига ўзининг ҳозирги ўқувчилари Фазлиддин Ҳусанов, Женя Морский билан бирга борди. Ана шу ёш пианиночиларнинг мураффақиятли концертлари ҳақида Тожикистон матбуотида яхши мақолалар босилди.

### ТОШКЕНТДА ПОЛЯК ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтида поляк қўшиқлари Бутуниттифоқ конкурсида қатнашувчи даъвогарлар аниқланади. Бу ерда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан келган ижрочиларнинг ўзаро беллашуви бошланади. Рус ёш томошабинлар театри саҳнасида якунловчи концерт бўлади. Ҳакамлар ҳайъатига «Ялла» ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров бошчилик қилади.

Ўзбекистондан ушбу кўрикда Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё областларидан келган олтита коллектив қатнашади.

(ЎзТАГ).

### ЙЎНАЛИШНИ ЧАЛКАШТИРИБ ЮБОРИБДИ

Франциянинг Мерт ва ва Мозель департаментида истиқомат қилувчи бир ҳайдовчи одатдан ташқари рекорд ўрнатди. У Страсбург ва Мец шаҳарларини туташтирувчи Франциянинг энг катта автомобиль йўлида ҳаракатга қарама-қарши йўналишда катта тезликда бир неча ўн километр масофани босиб ўтди. Ҳайдовчи «рекордни ўрнатиш чоғида» икки автомобилга шикаст етказди. Табийки, рекордчини «мукофотлаш маросими» полиция комиссариатида бўлди. Ана шу ерда жандармерия вакиллари тантанали равишда... унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишди.

«Рекордчи» комиссариат вакилларига берган «интервью»сида мен бундай «муваффақият»га эришишни ўйламаган эдим, шунчаки ҳаракат йўналишини чалкаштириб юборибман холос, деб тан олибди. Чапдаст ҳайдовчи яқинда 79 ёшга тўлганлигини, ҳайдовчилик гувоҳномасини бундан бир неча ой муқаддам олганлигини, бу унинг биринчи марта катта йўлда машина бошқариши эканлигини қўшимча қилиш қолади, холос.

### ЭНГ УЛКАН ДАРАХТ

Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатидаги Гутибаялу қишлоғи яқинида 2,1 гектар майдонга салқин ташлаб турган баҳайбат баньян дарахти эндиликда расмий равишда жаҳондаги энг улкан дарахт деб ҳисобланади. Бундай шарафга у ҳинд сураткаш журналисти Регрет Айер туфайли эришди. Кунлардан бир кун у телевиденне кўрсатувларидан бирида, Ҳиндистондаги энг улкан баньян дарахти Калькутта ботаника боғида ўсмоқда, унинг периметри 300 метрни ташкил этади, деган хабарни эшитиб қолди. Шунда Айер дўстининг Андхра-Прадеш штатидаги баҳайбат баньян дарахти ҳақидаги ҳикоясини эслаб қолди. Сураткаш журналист ана шу дарахтни излаб топишга, унинг катталигини ўлчашга, суратини эса оламга машҳур Гиннеснинг рекордлар китоби редколлегиясига жўнатишга қарор қилди. Бир амаллаб у ана шу баньян дарахтини топди. Унинг периметри 620 метрни ташкил этар экан, суратда эса буталар билан қопланган улкан тоғни эслатади. Ўрмончилик департаменти мутахассисларининг фикрига қараганда, очилиб қолган илдизларидан минглаб новдалар ўсиб чиққан ана шу дарахтнинг ёши тахминан 500 йилга тенг. Шундай қилиб, Ҳиндистондаги маъбуда Тхиммамм номи билан аталувчи баньян дарахти жаҳон рекордлари китобига қайд этилди.

### ЧАПАҚАЙ БЎЛМАНГ

«Йоруба ёки Игбо» элатларининг вакиллари билан бирга бўлганда чап қўл билан бирор нарсани олиш ёки беришдан ўзингизни тийинг». Нигерияда бўлганда ана шу огоҳлантиришни ҳамиша ёдда сақлаш керак. Игбо халқининг урф-одатларига кўра, чап қўлингизни чўзиш билан сиз одамни «кўра-била туриб беҳурмат қилган» бўласиз. Йоруба элати чап қўлни «ово оси» — «ярамас» деб атайди, ана шу элат вакиллари яшайдиган кўпгина районларда эса чапақайларни «думбул» одам деб ҳисоблашади.

Шу нарса, диққатга сазоворки, ер юзида чапақайлар нисбатан кўп бўлишига қарамай (ҳар ўн кишидан бири), Нигериянинг жанубида уларни камдан-кам учратасиз. Фарзандларининг чапақай эканлигини пайқашлари биланоқ ота-оналар уни иложи борича тезроқ ана шу «жиддий нуқсон»дан қутқаришга ҳаракат қилишади, ҳатто жисмоний жазолашдан ҳам тойишмайди.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.


## Реклама ва эълонлар

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**13, 14, 15, 16 февраль соат 19.30 да**

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР» ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Солистлар: РОЗА ҚЎЛДОШЕВА ва ДАДАХОН ҒАНИЕВ.

**Концертни сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.**

**Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.**

## Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

— Абонементлар тарқатиладиган кунлари қабул пунктларида П. Андреоттининг «ЗИГЗАГИ» (ўткир сюжетли дедектив) ва А. Дюманинг «ДВЕ ДИАНИ» китобларига

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ.

10 февралда П. АНДРЕОТТИнинг «ЗИГЗАГИ» китобига ҳар қайси қабул пунктида 10 тадан абонемент тарқатилади.

А. ДЮМАНИНГ «ДВЕ ДИАНИ» КИТОБИГА ҚУЙИДАГИЧА ТАРТИБДА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ:

11, 17 ва 18 февралда ҳар қайси қабул пунктида 200 тадан абонемент;

16 февралда ҳар қайси қабул пунктида 100 тадан абонемент тарқатилади.

П. Андреоттининг «ЗИГЗАГИ» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида ўн килограмм макулатура топширилгандан сўнг берилади. Китобнинг баҳоси — 2 сўм 70 тийин.

А. Дюманинг «ДВЕ ДИАНИ» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида 10 килограмм макулатура топширилгандан кейин берилади.

А. Дюманинг «ДВЕ ДИАНИ» китобига берилган абонементлар 20 килограмм макулатура топширилгандан сўнг унда кўрсатилган китобнинг харид қилиш кафолатини беради.

ҚАБУЛ ПУНКТ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ ИШ ВАҚТИ:

Қабул пункт-магазинлари жума куни соат 12 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус — соат 15 дан 16.00 гача;

якшанба куни — соат 10 дан 18.00 гача очиқ, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача;

Бошқа кунлари — соат 10 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

Жума куни абонементлар соат 18.00 дан бошлаб тарқатилади.

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 234-Р сон кўрсатмасига биноан Улуғ Ватан уруши ногиронларига ҳар қайси қабул пункти бўйича тарқатиладиган абонементлар умумий миқдорининг 20 фоизи ҳажмида абонементлар бериш нормаси белгиланган.

Макулатуралар фақат турига қараб: газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўроп қоғозлари тариқасида алоҳида дасталаб боғланган ҳолда барча гражданлардан, уларнинг қаерда яшаб туришларидан қатъий назар навбатга туриш тартиби билан қабул қилинади.

Босмахона, саноат (чиқитлар, браклар, қийқимлар, қоғоз шокилдалари ва ҳоказолар), архив, муассаса макулатуралари, перфокарталар, бланкалар, ведомостлар, тўлдирилмаган графалар, турли ёзишмалар, иш ва қоғоз папкаларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси корхоналар ва ташкилотлардан чекланмаган миқдорда қуйидаги адресда жойлашган ишлаб чиқариш участкасида макулатураларни қабул қилади: Тошкент шаҳри, Металлистлар кўчаси, 2-уй (металл база ёнида).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Иккиламчи хом ашёларни қабул қилиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Куйбишев районида, Астрономия кўчасида («Гидрометцентр» орқасида) янги қабул пункт-магазини очилди.

Маълумотлар учун телефон — 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР театр арбоблари уюшмасининг РЕСПУБЛИКА АКТЁРЛАР УЙИ

— Республика театр санъатининг етакчи намояндалари билан ижодий учрашувлар ўтказиш,

— театрлаштирилган томошалар, юбилей кечаларини ташкил этиш юзасидан

1990 ЙИЛГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

**Хизмат учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 51-уй. Маълумотлар учун телефон 33-41-85.

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги**

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**10-синфни тамомлаган ёшларни ҳамда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитларни**

**«Ташэкс» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун қисқартирилган группаларга**

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**— йиғув ишлари слесари,**
**— ремонт ишлари слесари,**
**— электр-газ пайвандчи,**
**— токарь-универсал.**

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА 100 СЎМ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

**Ўқиш муддати 6 ой ва у узлуксиз меҳнат стажига киради.**

Кечки ва сиртқи бўлим студентлари ҳам ўқишдан ажралмаган ҳолда бу касбларни эгаллаши мумкин.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

Билим юрти адреси: 700052. Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-08, 68-67-09.

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг**
30-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**қуйидаги ихтисосликлар бўйича**
УЗОҚ ШАРҚ УЧУН ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН
**1990-1991 ўқув йили учун**
ЁШЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электровоз машинистининг ёрдамчиси, пассажир вагонларининг проводниги, йўл мастери, ҳаракат составининг ремонтчи-слесари.

ЎҚИШГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ИСТЕЪФОГА БЎШАТИЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой, стипендия — ойига 72 сўм.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Амалий машғулотлар «Хабаровск — Москва», «Тошкент — Иркутск» поездларида ўтказилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

**Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади.**

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ариза, паспорт, ҳарбий билет, характеристика, яшаш ва иш жойидан справка, 10 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН БОШЛАБ 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

**«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги**
39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**қуйидаги ихтисосликлар бўйича**
**1990—1991 ўқув йили учун**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

**Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области** (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

**10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.**

**МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.**

**Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.**

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

**Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

**Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:** 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

**«УЗЭЛЕКТРОМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги**
47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиоэлектрон ускуналари бўйича йиғувчи слесарлар, радиоэлектрон ускуналари бўйича монтажчилар, кенг профилдаги станокчилар, механик йиғув ишлари бўйича слесарь-пайвандчилар.

**Билим юртига 9-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади** (ўқиш муддати 3 йил), **11-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар 6—8 ой ўқиш муддати билан қабул қилинади.**

Ўқиш муддати 3 йил бўлган ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

**Ўқиш муддати 6—8 ой бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади.**

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

**УҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.**

**Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

Ҳунар-билим юртида турли тўгараклар ва спорт секциялари ишлайди.

**Билим юртини битириб чиққан кишилар Тошкент Электромеханика заводига ишга юборилади.**

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:** билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см), 086/У формадаги медицина справкаси.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели-2, 64-«а» уй, (40, 58, 98, 99, 104-автобуслар; 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/II да **Корсар**, 10/II да **Кармен**, 11/II да **Коппелия** (12.00), **Севилья сартароши** (19.00), 13/II да **Пётр Биринчи.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да **Олтин девор**, 10/II да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари**, 11/II да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/II да **Ака-ука совчилар**, 10/II да **Шайтон ва мурдлар**, 11/ да **Кампир кетармиш**, 12/II да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да **Знёфат**, 10/II да **Шанба оқшомида: Гўзаллар ва миршаблар, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбибн аразлади** (16.00).

КИНО

9 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

**Санъат саройи** — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 19.30).

**Чайка** — «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» ( тоқ соатларда, 20.45).

**Восток** — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (16.30, 19.30).

**Москва** — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (19.20, 21.00), «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (17).

**Дружба** — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «НЕ БЎЛГАНДА ҲАМ СЕНГА ҲЕЧ НАРСА АЙТМАЙМАН» (тоқ соатларда).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (17.20).

10, 11 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

**Санъат саройи** — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 15, 19.30).

**Чайка** — «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (тоқ соатларда, 20.45).

**Восток** — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (12, 13.30, 16.30, 19.30).

**Москва** — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда). «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (13, 17).

**Дружба** — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «НЕ БЎЛГАНДА ҲАМ СЕНГА ҲЕЧ НАРСА АЙТМАЙМАН» (тоқ соатларда).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 17.20).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ПОЛЬШАНИНГ «ВАРШАВА» ЦИРКИ ВА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (9/II да 19.30; 10/II да 16, 19.00; 11/II да 12, 15, 18.00).

ДИҚҚАТ!

**1990 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ СОАТ 10.00 да ТЕХНИКА УЙИда**

(Ленинград кўчаси, 48-уй) автомобиль ютуғи омонатлари бўйича

БИРИНЧИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ

**Кириш ҳамма учун бемалол.**

**СССР Жамғармалар банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси.**

## Реклама ва эълонлар

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**22, 23, 24, 25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17 ВА 20.00 ДА**

**Чимкентлик замонавий куй ва қўшиқлар ижрочиси**

РУСТАМ ҒОИПОВ БОШЧИЛИГИДАГИ

«НУР» ГРУППАСИНИНГ

## КАТТА КОНЦЕРТИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

КАССА СОАТ 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Телефон 45-93-12.

**Ўзбекистон Маданият фонди**

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**26—27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА**

## «ГЎЗАЛЛАРГА МЕН ҲАМ ШАЙДОМАН» ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

— «КАМОЛОТ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ

«ТОШКЕНТ МАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби

НАРГИЗА ОЛИМОВА

— «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори —

СИЗ СЕВГАН СЎЗ УСТАЛАРИ

ва

КИМЛИГИНИ ЎЗИНГИЗ ТОПИНГ.

«КАМОЛОТ-89» ва «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг рамзий ишторкчиси

ДОСТОН УБАЙДУЛЛАЕВ

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Кечадан тушган маблағни иштирокчиларнинг Ўзбекистон Маданият фондига тортиқлари деб билурсиз.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1-уй)

11—17 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

СССРДА БИРИНЧИ МАРТА

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ МАШҲУР «МЕДУЗА» ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ

ЗАМОНАВИЙ ҚЎШИҚЛАРНИ ИЖРО ЭТАДИ

Дунёнинг барча мамлакатларида донг таратган машҳур қўшиқлар 30 та дискка ёзиб олинган. Ансамбль ГФР, Италия, Руминия ва Францияда катта муваффақиятлар қозонди.

**ИЖРО ЭТУВЧИЛАР: электр-гитарада — Марта ШУЛЬЦОВА, Либуин ЕЛЬНИКОВА; бас-гитарада — Ленка ОДВОРКОВА, рақсда — Ярослава ДВОТАКОВА.**

ТОМОШАЛАР — 11 ФЕВРАЛДА СОАТ 18.00, 12 ФЕВРАЛДА соат 19.30, 13, 14, 15, 16, 17 ФЕВРАЛДА соат 17.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар учун телефонлар — 44-35-91, 44-29-04.



ТОШКЕНТ оқшоми

**(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

**РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.**

**Якшанбадан ташқари ҳар куни Ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.**

Р — 00171.

**Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.**

**1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**